

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЁШЛАРНИНГ САФАРБАРЛИК
ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИДАГИ
ХИЗМАТНИ ЎТАШ БАДАЛИНИ
ҚОПЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

**Ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги
хизматни ўташ бадалини қоплаш бўйича услубий
қўлланма.** Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.:
2024 й. – 14 б.

Тузувчи: А. Қўлдошев

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда
кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб,
қўлланмада ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги
хизматни ўташ бадалини қоплаш бўйича белгиланган
имтиёزلардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён
этилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	2
Ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини қоплаш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари .	3
Ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ тартиби	4
Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат.....	5
Кимларга сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадали тўлаб берилади:.....	6
Субсидия ажратиш тартиби ва босқичлари:	8
Иловалар	10

Кириш

Ҳурматли Президентимиз таъкидлаганидек, давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсатида ёшлар энг устувор йўналиш бўлиб, уларга сифатли таълим ва касб-хунар ўргатиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлади.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “**Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили**”да амалга оширишга оид давлат дастурида ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш бўйича кўплаб вазифалар белгиланган.

Агар ўтган 2023 йилда ёшлар борасида олиб борилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, “Ёшлар дафтари” электрон платформасига жами 803 та ариза келиб тушган. Шундан 736 таси тасдиқланган, 64 таси рад этилган. Тасдиқланган 736 та аризининг 716 тасига амалий ёрдам кўрсатилган. 736 нафар аризалари тасдиқланган ёшлар қўйидаги йўналишларда “Ёшлар дафтари”га тавсия этилган: 10 нафари моддий ёрдам йўналишида, 3 нафари тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш йўналишида, автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш йўналишида 7 нафар, асбоб ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш йўналишида 37 нафар, тўлов-контракт бўйича 79 нафар, замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологияларни ўрганиш ҳамда хорижий тилларга ўқитиш бўйича 6 нафар, илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олти ойгача муддатли ўқув курслари бўйича 5 нафар, олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида қатнашиш харажатлари учун 14 нафар, мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 4 нафар, **сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадали 22 нафар**, тадбиркорликка жалб қилиш 8 нафар, фуқаролик паспорти олиш тўлови учун 1 нафар ёшларга кўмак кўрсатилган.

Ёшларни ҳар соҳада қўллаб-қувватлаш бизнинг асосий вазифамиздир.

Ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини қоплаш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси



Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни



Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 99-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 104-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 октябрдаги «Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 617-сон қарори



Ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ тартиби

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тадбир-чораларини қамраб олади.

Ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- муддатли ҳарбий хизмат;
- сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
- контракт бўйича ҳарбий хизмат;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир **фуқаросининг бурчидир**. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда **ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар**.*

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат

- Ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар.



- Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобварағига **пул бадаллари** киритилишини назарда тутлади.

- Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига шахслар 18 ёшдан 27 ёшга тўлгунга қадар олинадилар.


Маълумот учун:

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ 2003 йил баҳорги чақирувдан бошлаб жорий қилинган бўлиб, ҳозирги кунда тўлов миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7.03 баробарига (7 млн 381 минг сўм) тенг. Пул бадаллари хизматга олингандан кейин бир йил мобайнида Халқ банки муассасалари орқали тўланади.



Кимларга сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадали тўлаб берилади:

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 октябрдаги 617-сон қарори билан тасдиқланган низомга кўра, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадали ёшларнинг қуйидаги тоифаларига Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади:



Маълумот учун:

Ёшларга сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадали бўйича субсидия Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

«Ёшлар дафтари»га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини қоплаш учун субсидия ажратилади:





Маълумот учун:

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан йилига бир марта — март — апрель ойларида ўтказилади. Чақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш ҳудудий комиссиянинг қарори асосида уларнинг оилавий шароитига кўра, саломатлигига кўра, ўқишни давом эттириши учун амалга оширилади.

Субсидия ажратиш тартиби ва босқичлари:

- Субсидия ажратиш ҳақида доимий яшаш манзили ёки тарбияланган «Меҳрибонлик» уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйи жойлашган жойдаги сектор штабига бориб, Васийлик кенгаши раиси номига ёзма шаклда ёки «Ёшлар дафтари» электрон платформаси орқали онлайн мурожаат қилинади.



✓ Ёшлар ишлари агентлиги беш иш кунда субсидияни тўлаш бўйича тўлов графиги шакллантирилади. Ариза берувчига ушбу тўлов графигига мувофиқ субсидияни тўлаб бериш муддати ҳақида СМС хабар юборилади. Талабнома асосида субсидияни Ёшлар ишлари агентлиги

ҳудудий бошқармасининг Жамғарма маблағлари бўйича тегишли ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.

Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бошқармаси маблағлар келиб тушган санадан бошлаб уч тарафлама шартномани имзолаб, субсидияни ўтказиб беради ва бу ҳақда ариза берувчига СМС хабар юборади.

Субсидия ажратиш учун зарур ҳужжатлар:

Субсидия ажратиш учун васийлик кенгаши раиси номига ёзма шаклда ариза ёки «Ёшлар дафтари» электрон платформаси орқали онлайн мурожаат қилинади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:



Ариза берувчининг “Меҳрибонлик” уйи ёки Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланганлиги ҳақида маълумотнома



Туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими ва ариза берувчи ўртасида тузилган “Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари” махсус ҳисоб рақамига бадал ўтказиш тартиби тўғрисида уч тарафлама шартнома (мудофаа бўлими ва фуқаро томонидан имзоланган ҳолда)

Ариза берувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади

Иловалар

1-илова

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирининг 2020-йил
11-декабрдаги 757-сонли
буйруғи билан тасдиқланган
йўриқномага
6-илова

**Мудофаа вазирлигининг “Сафарбарлик чақирув резерви маблағлари”
махсус ҳисоб
рақамига бадал ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий
ШАРТНОМА**

№__

202__-йил __ __ _____ шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги номидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 22-февралдаги 99-сон қарори асосида иш кўрувчи _____ шаҳар (туман) мудофаа ишлари подполковниги _____(Ф.И.Ш) бир томондан, кейинг ўринларда
Чақирилувчи _____ деб аталувчи
_____ (Ф.И.Ш) _____

_____ (яшаш жойи,
манзили) _____

Юридик шахс учун _____ шаҳар (туман) Халқ банки х/р 29896000700011845054: МФО-01125: ИНН-207215726: номидан, Мудофаа вазирининг 2020-йил 11-декабрдаги 757-сон буйруғи асосида иш кўрувчи, кейинг ўринларда **Кафил** деб

аталувчи _____

(Ф.И.Ш., лавозими)

мазкур шартнома қуйидагилар ҳақида тузилади:

1.1. Чақириливи “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга кира туриб ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

“Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари” махсус ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7,03 баравари миқдорида пул бадали ўтказиш;

Шартнома тузилаётганда бадал _____ сўмни ташкил этади. (сўз билан)

Мудофаа ишлари бўлими йўлланмасига мувофиқ ҳарбий тайёргарлик бўйича бир ойлик ҳарбий йиғинлардан ўтиш.

1.2. Мудофаа вазирлиги Чақирилувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўташи учун шарт-шароитлар яратиш, белгиланган пул бадалини тўлиқ ҳажмда тўлаган ва ҳарбий тайёргарликдан ўтган Чақирилувчига у йигирма ети ёшга тўлганда ҳарбий гувоҳнома бериш мажбуриятини олади.

2. Тўловларни тўлаш тартиби ва муддатлари

2.1. Тўловлар Чақирилувчи ёки Кафил томонидан давлат томонидан давлат-тижорат Халқ банки филиаллари орқали “Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари” махсус ҳисоб рақамига шахсан тўланиши керак.

2.2. Бадал хизматига қабул қилингандан кейин бир ой мобайнида қуйидаги шартларда тўланади

(шартнома томонлари қуйидаги вариантлардан бирини танлайди)

а) бир йўла, тўлиқ ҳажмда 202__йил _____ дан кеч бўлмаган муддатда;

б) ҳар чоракда тенг улушларда: _____

с) бошқа шартларда _____

(томонларнинг келишувига кўра белгиланади)

2.3. Тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси Чақирилувчи томонидан _____ шаҳар (туман) мудофаа ишлари бўлимига тўлов тўланганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмай тақдим этилиши керак.

2.4. Бадал суммаси шартнома имзоланган кунда Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 7,03 баравари миқдорида белгиланади.

3. Кафиллик

3.1. Кафил Чақирилувчи томонидан мудофаа вазирлиги олдидаги мажбуриятларининг тўлиқ ҳажмда бажарилиши мажбуриятини олади.

3.2. Чақирилувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда Кафил Мудофаа вазирлиги олдида Чақирилувчи молиявий мажбуриятларининг бажарилмаган қисми бўйича тўлиқ жавоб беради ҳамда Чақирилувчи томонидан тўланмаган суммани қоплаш мажбуриятини олади.

3.3. Кафилнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигининг мазкур шартномада назарда тутилмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

кодексининг кафиллик шартномасини тартибга солувчи нормалари билан белгиланади.

4.Мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ва лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарлик

4.1.Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан шартнома шартларига кўра пул бадали тўланмаган тақдирда, тўланмаган сумма Чақирилувчидан суд орқали ундириб олинади.

4.2. Бадал тўлиқ миқдорда ва шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган, тўлов олти ойдан кечиктириб юборилган тақдирда Чақирилувчи муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин. Бунда бадалнинг тўланган қисми қайтарилмайди.

5. Яқунловчи қоидалар

5.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан уч нусхада тузилади.

5.2. Шартнома тарафлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва Чақирилувчи сафарбарлик чақируви резерви сафида хизматда бўлган бутун даврда амал қилади.

5.3. Шартнома Чақирилувчи томонидан пул бадалларининг тўлиқ суммаси 2.2-бандда белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

5.4. Мазкур шартномада тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳад этилади.

5.5. Шартнома бажариш жараёнида, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш юзасидан пайдо бўладиган барча низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги номидан

Чақирилувчи

Кафил

_____ шаҳар(туман) мудофаа

Ишлари бошлиғи (___унвони___)

(ФИШ)
учун)

имзо

имзо

(имзо, муҳр, юридик шахс

Маълумотнома

Берилди маълумотнома шу ҳақидаким Қосимов Учқун Нурали ўғли 2007-йил 1-февралдан 2024-йил 1-майга қадар Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида жойлашган 21-сон болалар уйида тарбияланган.

Мактаб директори

С. Бахтиёровна

Ёшлар дафтарига киритилган ёшларни
қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик
кенгаши раиси _____ га
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри,
Ш.Рашидов кўчаси, 13-уйда яшовчи
фуқаро **Қосимов Учқун Нурали** ўғлидан

Ариза

Мен 2007-йил 1-февралдан 2024-йил 1-майга қадар Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида жойлашган 21-сон болалар уйида тарбияланганман. Ҳозирги кунда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлаш имкониятим мавжуд эмас. Шунинг учун менга Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 4-октябрдаги 617-сон қарорига асосан мазкур бадални қоплаб беришда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

08.05.202_

У. Қосимов